



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ**

**ШНҚ 3.01.01-22 “Қурилишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш”
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 3.01.01-22 “Қурилишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 2003-йил 25-декабрдаги 84-сон буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 3.01.01-03 “Қурилишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган.
4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қурилиш вазири

Тошкент ш.
2022 йил 01 ноябрь,
189 сон



Zakirov B. I.

Келишилди:

Раис

Тошкент ш.
2022 йил 21 сентябрь,

Вазир

Тошкент ш.
2022 йил 21 сентябрь,

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Тошкент ш.
2022 йил 13 октябрь,



Oblomuradov N. N.



Хидоятлов Ш. С.



Xusanov N. B.

Ўзбекистон Республикаси
қурилиш вазирининг
2022 йил 1 ноябрдаги
189-сон буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 3.01.01-22 “Қурилишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур **шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари** (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) мавжуд бўлган, янги қуриладиган, капитал таъмирланаётган ва реконструкция қилинадиган бино ва иншоотларда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур ШНҚ барча лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ташкилотлари учун мўлжалланган.
2. Мавжуд бўлган, янги қуриладиган, капитал таъмирланаётган ва реконструкция қилинадиган бино ва иншоотларда қурилиш ишлари технологик харитага мувофиқ календарь режа асосида олиб борилиши керак.
3. Қурилиш объектида бажариладиган ишларнинг барча турлари учун мазкур ШНҚнинг 1-иловасида келтирилган намунага мувофиқ журнал юритилиши лозим.

2-боб. Атамалар ва таърифлар

4. Мазкур ШНҚда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

ишчи лойиҳа – объектнинг ишчи ҳужжатлари (чизмалари), техник ва иқтисодий кўрсаткичларини қамраб олувчи ҳужжат;

лойиҳа ҳужжатлари – ҳажмий-режали, амалий ва техникавий ечимларни, биноларни, иншоотларни ва уларнинг мажмуаларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукамал таъмирлашни, шунингдек ободонлаштириш ишларининг қийматини белгиловчи ҳужжатлар;

технологик харита – тез-тез такрорланадиган қурилиш-монтаж ишлари турларини ва ишни олиб бориш лойиҳаси ўрнига ёки унга қўшимча сифатида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш технологиясини белгиловчи ҳужжат.

3-боб. Қурилишда ишлаб чиқариш жараёнларига тайёргарлик кўриш

5. Қурилиш майдонининг ташқарисида бажариладиган тайёргарлик ишлари объектга кириб келиш йўллари қурилиши, трансформатор подстанцияси ёрдамида электр узатиш, сув тўпловчи иншоотларга эга бўлган сув таъминоти тармоқлари ўтказилиши, тозалаш иншоотлари билан биргаликда канализация коллекторлари ўрнатилиши, қурувчилар учун яшаш жойларини барпо этилиши, шунингдек қурилишни бошқариш учун алоқа иншоотлари ва қурилмалари қурилишини ўз ичига олади.

6. Қурилиш майдонининг ичқарисида бажариладиган тайёргарлик ишлари қурилиш учун геодезик режалаш ва муҳандислик тармоқлари, йўللарни ётқизиш, бинолар ва иншоотларни тиклаш учун геодезик режалаш ишларини топшириш-қабул қилиш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун қурилиш майдонини бўшатиш ишларини (худудни тозалаш, кераксиз биноларни бузиш ва ҳ.к.),

худудни текислаш, грунт сувлари сатҳини пасайтириш (зарур бўлган ҳолларда), мавжуд муҳандислик тармоқларини кўчириб қайта ётқизиш ва янги муҳандислик тармоқларни ётқизиш, доимий ва вақтинчалик йўлларни, зарур бўлган ҳолларда назорат-қиритиш режимини ташкил этган ҳолда кўчма вақтинчалик тўсиқларни ўрнатиш, омборхона, ёрдамчи, маиший ва ижтимоий вазифаларни бажарувчи бинолар ва иншоотларни жойлаштириш, омбор майдончаларини ҳамда материаллар, конструкциялар ва ускуналар учун хоналарни қуриш, ишлар бажарилишини тезкор-диспетчерлик бошқариш учун алоқа тизимини ташкил этиш, қурилиш майдонини ёнғинга қарши сув таъминоти ва инвентар, ёритиш ҳамда сигнализация воситалари билан таъминлашни ўз ичига олади.

7. Ноёб ва алоҳида муҳим объектлар қурилишига тайёргарлик кўриш махсус дастурлар бўйича режимли (сейсмометрик, гидрогеологик, геокимёвий, геодезик, маркшейдер, метеорологик, тензометрик, гляциологик ва ҳ.к.) қузатувларини ташкил этиш ишларини, шунингдек зарур бўлган ҳолларда, синов полигонлари, метрологик пунктлар ва ўлчаш станцияларини яратиш ишларини ўз ичига олади.

8. Қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун тайёргарлик кўришда ишларни бажариш лойиҳалари ишлаб чиқилган, шунингдек бино ва иншоотларнинг қисмлари ва иш турлари бўйича жойларга маҳкамланган геодезик ускуналар ёрдамида аниқланган сатҳ белгилари бўлиши лозим.

4-боб. Қурилишни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш ишлари

9. Мураккаб табиий ва геологик шароитларда олиб бориладиган қурилишда, шунингдек ноёб ва алоҳида муҳим объектларни барпо этишда қурилишни ташкил этиш ва ишларни бажариш лойиҳаларида тикланаётган ва мавжуд бинолар, шунингдек иншоотлар ҳамда уларнинг конструкцияларини мустаҳкамлиги, турғунлиги ва зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича махсус чора-тадбирлар назарда тутилган бўлиши лозим.

10. Ноёб ва алоҳида муҳим объектларни қуриш бўйича ишларни бажариш лойиҳалари таркибида қурилиш ишларининг муваффақиятли бажарилишини ва иншоотларнинг фойдаланишга қабул қилишни таъминловчи техник назорат ҳамда станциялар, полигонлар, ўлчаш постлари ва бошқа ишларни ташкил этиш усулларини киритган ҳолда зарур бўлган тадқиқотлар (изланишлар), синовлар ва режимли қузатувларнинг дастурлари ишлаб чиқилиши лозим.

11. Қурилишни ташкил этиш лойиҳасида қурилишнинг умумий давомийлиги ва оралик муддатлари, капитал маблағлар ва қурилиш монтаж ишлари ҳажмларининг тақсимланиши, моддий-техник ресурслар ва уларни қоплаш манбалари, қурилиш - монтаж ишларини бажаришнинг асосий усуллари ва объект қурилишини бошқариш тузилмаси белгиланади.

12. Ишларни бажариш лойиҳаси қурилиш-монтаж ишлари технологиясини, бажариш муддатларини ва ресурслари билан таъминлаш тартибини белгилаб берувчи лойиҳа ҳисобланади, шунингдек унда бино ва иншоотлар ҳамда уларнинг қисмларини қуришга доир ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш белгиланади.

13. Қурилишни ташкил этиш лойиҳасининг атроф-муҳит ва табиий ресурслар муҳофазаси, транспорт, сув таъминоти, канализация, электр таъминоти, иссиқлик таъминоти, алоқа, ноёб технологик ускуналар ва автоматика тизимлари монтажи, муҳим юк кўтарувчи конструкцияларни тиклаш, қурилишни мураккаб табиий-иқлим шароитларида ва ишларни бажаришнинг тор ишлаб чиқариш шароитларида амалга ошириш ва шу каби масалаларга дахлдор қисмлари амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим.

14. Қурилишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

объект қурилишининг техник-иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги;

муҳандислик изланишлари (объектларни реконструкция қилишда – объектларни лойиҳа олди техник кўригидан ўтказиш) материаллари ва ноқулай табиий-иқлим шароитлари ҳамда хавфли геологик жараёнлар таъсирига йўлиққан ҳудудлардаги режимли кузатувларнинг маълумотлари;

қурилиш конструкциялари, тайёр буюмлар, материаллар, усқуналарни ташиш ва етказиб бериш бўйича маълумотлар;

ноёб ва алоҳида муҳим объектлар қурилиши бўйича маълумотлар;

реконструкция қилинадиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш шарт-шароитлари тўғрисидаги маълумотлар;

бино ва иншоотларнинг ҳажмий-режавий ечимлари ҳамда қурилиш объектини ишга тушириш навбатлари ва тугунларга (узел) ажратиш билан асосий ишлаб чиқаришнинг технологик схемалари.

15. Қурилишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича тавсия этиладиган намуна мазкур ШНҚнинг 2-иловасига, асосий лойиҳавий ҳужжатларнинг шакллари эса 3-иловасига мувофиқ бўлиши лозим.

16. Бино ва иншоотларни техник қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишга доир лойиҳа ҳужжатини ишлаб чиқиш билан бир вақтнинг ўзида муайян шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишларни бажариш усуллари ва кетма-кетлиги ҳам аниқлаштирилиши лозим.

17. Ишларни бажариш лойиҳасини ишлаб чиқиш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

ишларни бажариш лойиҳасининг топшириғи;

қурилишни ташкил этиш лойиҳаси;

зарур ишчи чизмалар;

конструкциялар, тайёр буюмлар, материаллар ва усқуналарни етказиб беришда қурилиш механизмларидан ва транспорт воситаларидан фойдаланиш;

қурилиш юқларини технологик комплекшлаштириш ва ташиш, шунингдек қурилишни ташкил этиш ва вахта усулида ишларни бажариш шарт-шароитларини белгилаш.

18. Ишларни бажариш лойиҳаларининг тавсия этиладиган намунаси мазкур ШНҚнинг 4-иловасида, асосий ҳужжатларнинг шакллари эса 5-иловасида келтирилган.

19. Ўта мураккаб конструкцияларга ва мураккаб усулларда бажариладиган бино ва иншоотлар қурилиши учун ишчи ҳужжат таркибидаги махсус ёрдамчи иншоотларга, мосламаларга, қурилмаларга ва ўрнатмаларга ишчи чизмалар ишлаб чиқилиши лозим. Уларга қуйидагилар киради:

ноёб усқунани, катта габаритли ва оғир вазнли технологик, қурилиш ва қурилиш-монтаж блокларини ташиш ва монтаж қилиш (кўтариш, суриш, йиғиш) учун асбоб-усқуналар ва мосламалар;

свод-қобикларнинг махсус қолиплари (ечилмайдиган ва сурилувчи қолиплар);

грунт сувларининг сатҳини сунъий пасайтириш, грунтларни сунъий музлатиш ва уларни мустаҳкамлаш ишларининг бажарилиши, шу жумладан бундай ишларни цементация, глинизация, силикатизация, смолизация ва термик мустаҳкамлаш усуллари билан бажарилишини таъминлаш учун қурилмалар;

котлованлар ва траншеяларнинг шпунтли тўсиқлари;

ускунани йирик блокли монтаж қилиш ва конструкцияларни йириклаштириб йиғиш учун қурилмалар;

ер ости иншоотларини “грунт ичидаги” усул билан қуриш, грунтни зичлаш усулини қўллаш билан ер ости қувур ўтказгичларини ўтказиш, чуқур жойлашадиган иншоотларни қозиқ-қобиқлар устига жойлаштириш ва тушиш қудуқларини, шунингдек чўқувчан грунтларда қозиқли пойдеворларни қўллаган ҳолда қуриш учун асбоб-ускуналар ва махсус қурилмалар;

мавжуд бино ва иншоотлар яқинида бурғулаш-портлатиш ишларини бажариш вақтида қўлланиладиган ҳимояловчи қурилмалар;

биноларни силжитишда ва улар устига қўшимча конструкцияларни қуришда, уларни мураккаб шароитларда қуришда, шунингдек фойдаланилаётган бино ва иншоотларни реконструкция қилишда зарур бўладиган ёрдамчи қурилмалар.

5-боб. Моддий-техник таъминот

20. Қурилиш-монтаж ишларини бажариш ва объектни қуриш учун элементлар ҳамда конструкцияларни тайёрлашга керак бўладиган қурилиш материаллари ва конструкцияларига бўлган эҳтиёж лойиҳа ҳужжати билан белгиланади.

21. Қуриладиган объектни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш ишлаб чиқариш-технологик ишлаб чиқариш асосида амалга оширилиши лозим. Бунда, қурилиш конструкциялари, материаллари ва муҳандислик ускуналарини етказиб бериш технологик комплекслар билан қурилиш-монтаж ишларини бажариш технологияси ва муддатларига боғланган ҳолда олиб борилади.

22. Материаллар, элементлар, буюмлар, конструкциялар ва ускуналарни ташиш амалдаги давлат стандартлари талабларига мос келиши ҳамда уларнинг шикастланиш эҳтимоли бартараф этилиши лозим.

6-боб. Механизация ва транспорт ишлари

23. Объектни қуришда қурилиш, монтаж ва махсус қурилиш ишларини механизациялаш комплексли тарзда ва зарур бўлган асбоб-анжомлар, инвентар ва мосламалар билан биргаликда қурилиш машиналари, ускуналар, кичик механизация воситалари билан амалга оширилиши лозим.

24. Бетон, монтаж, тош-ғишт, сувоқ, санитар-техник гидроизоляциялаш, бўёкчилик, ойнавандлаш ва бошқа қурилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган кичик механизациялаш воситалари, шунингдек қурилиш-пардозлаш машиналари, асбоб-ускуналар ҳамда технологик анжомлар ишларни бажариш технологиясига мувофиқ бўлиши лозим.

25. Транспорт ишларини ташкил этиш қурилиш материаллари, конструкциялари, деталлар ва ускуналарни етказиб беришнинг схемаларини танлаш, темир йўл станциялари, дарё портлари ва ҳаво йўллари билан боғлиқликда транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжни асослаш ва уларни таъминлаш графикларини ишлаб чиқиш билан амалга оширилади.

7-боб. Қурилиш-монтаж ишларининг сифатини таъминлаш

26. Объектда қурилиш-монтаж ишларининг сифати, ишончилиги ва зилзилабардошлигини таъминлаш техник, иқтисодий ва ташкилий ишларни амалга ошириш орқали бажарилади.

27. Қурилиш-монтаж ишларининг сифатини ишлаб чиқариш нуктаи назаридан назорат қилиш ишчи ҳужжатлар, конструкциялар, буюмлар, материаллар ва ускуналарни кириш назоратидан ўтказишни ҳамда алоҳида қурилиш жараёнлари ва қурилиш-монтаж ишларини қабул қилиш назоратини ўз ичига олади.

28. Қурилиш жараёнидаги ёпиқ ишларга мазкур ШНҚнинг 6-илоvasида келтирилган шакл бўйича далолатномалар тузилиши лозим. Қурилиш жараёнидаги ёпиқ ишлар далолатномалари тугалланган жараён учун тузилади.

Қурилиш жараёнидаги ёпиқ ишларга далолатнома навбатдаги ишлар бошланишидан олдин тузилиши лозим.

29. Муҳимлик даражаси юқори бўлган конструкцияларнинг қурилиш жараёнида тайёрлигини мазкур ШНҚнинг 7-илоvasида келтирилган шаклдаги оралик далолатномасини тузиш орқали қабул қилиш лозим.

30. Ноёб ва мураккаб объектларни қуришда муҳимлик даражаси юқори бўлган конструкцияларни қабул қилиш ва ёпиқ ишлар далолатномалари лойиҳадаги алоҳида кўрсатмалар ва технологик шартларни ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим.

31. Қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши қурилиш-монтаж ишлари ва қурилиши тугалланган объектлар сифатининг амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларига ва ишчи чизмаларга мувофиқлигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни ўз ичига олиши лозим.

8-боб. Қурилишда ишлаб чиқаришни ташкил этишда атроф-муҳит муҳофазасига қўйилган талаблар

32. Қурилишда ишлаб чиқаришни ташкил этишда куйидаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ишлар ва чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

ерларни рекультивациялаш;

табiiй ресурсларнинг йўқотилишини бартараф этиш;

тупроқ, сув ҳавзалари ва атмосферага зарарли чиқиндилар ташланишини олдини олиш ва уларни зарарли чиқиндилардан тозалаш.

Юқорида кўрсатилган чора-тадбирлар ва ишлар лойиҳа ҳужжатида, қурилишни ташкил этиш ва ишларни бажариш лойиҳаларида назарда тутилган бўлиши лозим.

33. Қияликларни ювилишдан ҳимоя қилмасдан туриб қурилиш майдончаларидан бевосита шу қияликларга сув оқизилмайди. Қурилиш майдончаларида текислаш ишларини бажариш жараёнида кейинчалик ишлатиш учун ярқли бўлган тупроқ қатлами олиниши ва махсус ажратилган жойларга тўплаб қўйилиши лозим.

34. Селитеб (объектлар қурилиши мумкин бўлган) ҳудудларда қурилиш-монтаж ишларини бажаришда ҳаво чангланиши ва газланишининг олдини олишга қўйиладиган талабларга риоя қилиш лозим.

35. Қурилиш майдончасида бурғулаш ишларини бажариш жараёнида сувли горизонт қатламларига етганда, ер ости сувларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилиши лозим.

Заиф грунтларни сунъий мустаҳкамлаш ишларини бажаришда пастки горизонтларда ётувчи ер ости сувларининг ифлослинишини бартараф этиш бўйича лойиҳада чора-тадбирлар назарда тутилиши лозим.

ШНҚ 3.01.01-22 “Қурилишда ишлаб
чиқаришни ташкил қилиш” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

Ишларнинг умумий журнали

Қурилиш пудрат ташкилоти: _____

Ишларнинг умумий журнали № _____

Объект қурилиши бўйича

(корхона, бино, иншоот)

Объект манзили _____

Объект қурилиши ва ишларнинг умумий журналини юритиш учун масъул шахс

лавозими, Ф.И.О. ва имзоси

Бош лойиҳа ташкилоти: Ф.И.О.

лойиҳа бош муҳандисининг имзоси _____

Буюртмачи (ташкилот): лавозими, Ф.И.О. ва техник назорат раҳбари (раиси)нинг имзоси

Ишнинг бошланиши:

шартнома бўйича _____

амалда _____

Ишларнинг тугаши (эксплуатацияга топшириш):

шартнома бўйича _____

амалда _____

Мазкур журналда _____ та бет рақамланган ва ип ўтказилиб боғланган.

Журнални тутишга берган қурилиш ташкилоти раҳбарининг лавозими, Ф.И.О. ва имзоси _____

Берилган вақти

Қурилатган объект, корхона, бино ёки иншоотнинг асосий кўрсаткичлари (қуввати, иш унумдорлиги, фойдали майдони, сигими ва ҳ.з.) ва шартномавий нархи: _____

Инстанцияни тасдиқловчи: лойиҳа-смета ҳужжатини экспертизадан ўтказиш ва лойиҳа (ишчи лойиҳа)ни тасдиқлаш: _____

Субпудратчи ташкилотлар ва улар томонидан бажариладиган ишлар: _____

Лойиҳа ҳужжатини ишлаб чиққан ташкилот: _____

Титул варағидаги ёзувларларга киритилган ўзгартиришларни белгилаш

Объект қурилишидаги муҳандис-техник ходимлар рўйхати

1-жадвал

Ф.И.О.	Объект қурилиши ишларининг бошланиш санаси	Ишларни бажаришга рухсат олинганлиги белгиси	Объект қурилиши ишларининг тугаш санаси

Юк кўтарувчи конструкцияларни оралиқ даврда қабул қилиш далолатномалар ва ёпиқ ишларни кўздан кечириш

2-жадвал

Г/р	Далолатномаларнинг номланиши (ўрнатилган жойини кўрсатган ҳолда)	Имзо ва сана

Назорат натижаларининг ёзма ифодаси ва қурилиш-монтаж ишлари сифатини баҳолаш

3-жадвал

Сана	Конструктив қисмлар ва элементларнинг номланиши, уларнинг жойлашишини чизмалар рақамларини ҳавола қилган ҳолда кўрсатиш	Сифатни баҳолаш натижалари	Ишлар сифати баҳоланган сана ва имзо

Ишларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотлар

4-жадвал

Сана	Ишларнинг қисқача баёни ва уларни бажариш шарт-шароитлари (сана ва имзо)

ШНҚ 3.01.01-22 “Қурилишда ишлаб
чиқаришни ташкил қилиш” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига

2-ИЛОВА

**Қурилишни ташкил этиш лойиҳасининг
таркиби ва мазмуни**

1. Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси қурилиш ишларининг лойиҳада (ишчи лойиҳада) белгиланган бутун ҳажми учун ишлаб чиқилади.

2. Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси таркибига қуйидагилар киради:

а) қурилишнинг тақвимий режаси (*сарф-харажатлар ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларини объект бўйича ҳамда қурилиш даврлари бўйича тақсимланганлиги, асосий ва ёрдамчи бинолар, иншоотлар ҳамда технологик узелларни қуриш, шунингдек иш босқичлари, ишга тушириладиган қурилиш комплексларининг муддатлари ва бажарилиш кетма-кетлиги*) мазкур ШНҚнинг 3-илоvasи 1-шаклига мувофиқ белгиланади;

Тайёргарлик кўриш даври учун алоҳида тақвимий режа (иш ҳажмлари ойлар кесимида тақсимланиб) тузилади.

б) қурилиш бош режаси (*доимий бино ва иншоотларнинг жойлашиши, вақтинчалик бинолар, шу жумладан мобил бино ва иншоотларни ўрнатиш жойлари, доимий ва вақтинчалик темир йўл ва автомобиль йўллари ҳамда ускуналарни (огир вазли ва йирик габаритли ускуналар), конструкциялар ва материаллар ҳамда буюмларни транспортровка қилиш учун бошқа йўллар, юк кўтариш қобилияти катта бўлган кранларни кўчириш йўллари, қурилиш майдонини электр энергияси, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти билан таъминлаш манбаларини кўрсатган ҳолда вақтинчалик муҳандислик коммуникацияларини мавжуд тармоқларга улаш жойлари, монтаж кранлари ва бошқа қурилиш машина ва механизмларнинг жойлашиши ўринлари ҳамда ҳаркатланиш йўллари, мавжуд ва бузиладиган қурилмалар*);

в) ташкилий-технологик схемалар (*биноларнинг катта комплексларини, шунингдек мураккаб ва ноёб иншоотларни лойиҳалашида келтирилади. Бу схемалар ишларнинг технологик кетма-кетлигини кўрсатиш орқали бино ва иншоотларни барпо этишининг оптимал кетма-кетлигини аниқлаб беради*);

г) асосий қурилиш, монтаж ва махсус қурилиш ишларининг лойиҳа ҳужжатида белгиланган ҳажмларининг рўйхати (*асосий бино ва иншоотлар, ишга тушириладиган ёки шаҳарсозлик комплекслари бўйича ишлар ҳамда қурилиш даврлари бўйича ажратилган ҳолда мазкур ШНҚнинг 3-илоvasи 2-шаклига мувофиқ кўрсатилади*);

д) қурилиш конструкциялари, буюмлари, материаллари ва ускуналарга бўлган эҳтиёжлар рўйхати (*қурилиш материалларини сарфлашнинг амалдаги нормаларидан келиб чиққан ҳолда қурилиш объектига ҳамда асосий бино ва иншоотларга ишларнинг ҳажмлари учун тузилган ишларнинг календарь даврларини тақсимлаш мазкур ШНҚнинг 3-илоvasидаги 3-шаклига мувофиқ амалга оширилади*);

е) қурилиш учун асосий қурилиш машиналарига ва транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжлар рўйхати (*мазкур рўйхат қурилиш машиналари ҳамда транспорт воситаларининг иш унумдорлиги нормаларига мувофиқ ҳамда иш ҳажмлари ва юкларни ташиш объектлари асосида тузилади*);

ж) тушунтириш хатининг таркиби:

қурилиш шароитлари ва мураккаблигини тавсифловчи характеристика;

қурилиш, монтаж ва махсус қурилиш ишларини, шу жумладан мавсумий характердаги ишларни бажариш муддатларини ҳамда мураккаб бино ва иншоотларни қуриш бўйича технологик ечимларни кўрсатган ҳолда қиш шароитларида, шунингдек қуруқ-иссиқ иқлим шароитларида бажариладиган ушбу ишларни бажариш методлари ва уларни биргаликда олиб бориш мумкинлигининг асослаб берилганлиги;

ишларни вахтали метод билан бажариш бўйича чора-тадбирлар;

меҳнат муҳофазаси бўйича чора-тадбирлар;

атрофдаги табиий муҳитни сақлаш шартлари;

асосий қурилиш машиналари, механизмлари, транспорт воситалари, электр энергияси, буғ, сув, кислород, ацетилин, сиқилган ҳавога, шунингдек мобил бинолар ва иншоотлар тўплами бўйича ечимлар ҳамда намунавий лойиҳаларнинг қабул қилинганлигини кўрсатган ҳолда вақтинчалик бино ва иншоотларга бўлган эҳтиёжларнинг асосланганлиги;

асосий қурилиш ташкилотларининг рўйхати;

материаллар, конструкциялар ва ускуналарни жойлаштириш учун майдончаларнинг жиҳозланганлик даражаси ва улар ўлчамларининг, шунингдек оғир вазнли катта габаритли ускуналар ва йириклаштирилган конструкцияларни кўчириш бўйича ечимларнинг асосланганлиги;

махсус ёрдамчи иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар, шунингдек мураккаб вақтинчалик иншоотлар ва тармоқлар рўйхати;

қурилишни ташкил этиш лойиҳасида қабул қилинган қурилиш конструкцияларини қуриш ва ускуналарни монтаж қилиш методлари билан боғлиқ ҳолда ишчи чизмаларда ҳисобга олиниши лозим бўлган талаблар;

объект қурилишини давом этиш муддатининг асосланганлиги;

барча эҳтиёжлар ва харажатларнинг асослари уларни қоплаш манбалари бўйича ечимлардан иборат бўлади.

3. Қурилишни ташкил этиш лойиҳаларининг таркиби ва мазмуни объект қурилишининг мураккаблигини ҳисобга олиб ҳажмий-режавий ва конструктив ечимларга, бу ечимларни унификациялаш ва типизациялаш даражасига, махсус ёрдамчи иншоотлар, мосламалар, қурилмалар ва ўрнатмаларни қўллаш зарурлигига, алоҳида иш турларининг ўзига хос жиҳатларига, шунингдек, қурилиш майдонига материаллар, конструкциялар ва ускуналарни етказиб бериш шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда тўлдирилади.

Ноёб технологик ускуна ва принципиал жиҳатдан янги технология қўлланиладиган мураккаб объектлар, шунингдек янги конструкциялар кўпроқ қўлланиладиган бинолар ёки қурилиш ўта мураккаб геологик ёки табиий шароитларда амалга оширилиши кутилаётган корхонлар ва иншоотлар учун қурилишни ташкил этиш лойиҳаси таркибига ушбу илованинг 2-бандида келтирилганларга қўшимча тарзда қуйидагилар киритилади:

а) барпо этиладиган конструкциялар, бино ва иншоотларнинг сифати ҳамда ишончилигини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишлари, синовлар ва режимли кузатувларни ўтказиш кетма-кетлиги ҳамда муддатлари бўйича кўрсатмалар;

б) қурилиш ишлари устидан алоқа-диспетчерлик бошқарувини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари.

4. Ишлаб турган корхоналар, бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишда қурилишни ташкил этиш лойиҳаларида ушбу илованинг 2 ва 3-бандларида келтирилган талаблардан ташқари қуйидагилар киритилади:

а) ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатиш билан боғлиқ бўлмаган даврда бажариладиган ишлар ва ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ ва қисман тўхтатиш билан боғлиқ бўлган ишлар таркиби;

б) қурилиш бош режасида фойдаланишда бўлган бино ва иншоотлар, реконструкция қилинмайдиган муҳандислик тармоқлари, янги қуриладиган бино ва иншоотлар ҳамда тармоқлар, бузиладиган ва демонтаж қилинадиган бино ва иншоотлар, бузиладиган ва қайта ётқизиладиган муҳандислик тармоқлари, янги тармоқларнинг мавжуд бўлган тармоқларга уланиш жойлари, ҳудуддаги ўтиш йўллари, қурувчилар ва корхона ходимларининг хавфсиз ўтиш йўлаклари кўрсатилган маълумотлар;

в) тор жойлар ва зарарли шароитларда бажариладиган ишлар рўйхати ва ҳажмларини, шунингдек уларни хавфсиз бажаришнинг қўшимча чора-тадбирлари, реконструкция ишларининг устидан оператив раҳбарлик қилиш тартиби, ёнғин ва портлашга қарши хавфсизлик чора-тадбирлари, монтаж ва демонтаж ишларини бажаришда сақлаб қолинадиган конструкцияларнинг турғунлигини таъминловчи тадбирлар.

5. Умумий тармоқ таркибидаги магистрал иншоотларни (магистрал темир ва автомобиль йўллари, магистрал нефт ва газ ўтказгичлар, алоқа ва электр узатиш линиялари ва б.) қуришда қурилишни ташкил этиш лойиҳаси таркибига мазкур илованинг 2 ва 3-бандларида келтирилган талаблардан ташқари қуйидагилар киритилади:

а) трасса участкалари бўйича асосий қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми ва меҳнат сиғими келтирилган маълумот;

б) табиий тўсиқлар ва уларни айланиб ўтиш жойлари ҳамда уларни махсус воситалар билан баргараф этиш усуллари, шунингдек дарёларнинг кечув жойлари кўрсатилган маълумотлар;

в) трассанинг алоҳида участкаларида қурилишга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш корхоналарининг моддий-техник базалари ва энергетик таъминот объектлари, шунингдек қурувчилар учун яшаш посёлкаларининг жойлашиш ўринлари;

г) юкларни тушириш станцияларини, оралиқ омборлар ва вақтинчалик кириб келиш йўллари, шу жумладан иншоот трассаси бўйлаб вақтинчалик йўли кўрсатилган моддий-техник ресурсларни етказиб бериш транспорт схемаси;

д) қурилаётган темир ва автомобил йўллари бўйлаб жойлашган алоқа ва электр узатиш тармоқларининг алоҳида участкаларидан қурилиш эҳтиёжлари учун фойдаланиш имкони бўйича кўзда тутилган ечимлари.

6. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ички хўжалик автомобиль йўлларини қуриш учун мазкур илованинг 2 ва 3-бандларида келтирилган талабларга қўшимча тарзда ички хўжалик йўллари ҳам қурилиши ҳам кўзда тутилади (бунда, ер полотноси бўйича вақтинчалик ҳаракатланишни таъминлаган ҳолда ҳамда трассанинг ўтиб бўлмайдиган ва қийинчилик билан ўтиладиган участкаларини яхшилаш

ишлари амалга оширилади).

7. Гидротехника ва сув хўжалиги объектларини қуришда мазкур илованинг 2 ва 3-бандларида келтирилган талабларга қўшимча тарзда қурилишни ташкил этиш лойиҳасида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

а) тақвимий режада дарё бўйича сувнинг сарфланиш ҳажмларини кўрсатган ҳолда ўтказилиш муддатларини, узанни тўсиш (беркитиш) ва сув омборининг тўлиш муддатларини қурилиш даврининг алоҳида босқичларида кўрсатиш, шунингдек гидроузел ёки гидротехника иншоотини реконструкция қилишда уларни эксплуатация вақтидаги минимал вақт узилишларини кўзда тутиш;

б) қурилиш бош режаларида қурилиш даврида дарёдан сув олинишини таъминлаш учун мўлжалланган иншоотлар ва қурилмаларнинг жойлашишини кўрсатиш, узел ёки гидротехника иншоотлари комплексини қуриш бўйича ишларнинг бажарилиш навбатини ажратиб чиқиш, суғориладиган майдонларни эксплуатацияга қабул қилиш навбатини кўрсатиш лозим. Суғориш ва қуриш тизимлари қурилишининг иншоотлар жойлашуви режасида уларни ишга тушириш навбатини, эксплуатацион ва қурилиш участкаларининг чегараларини, карьерларнинг жойлашишини, йирик иншоотлар бўйича эса ҳудудлардан сувни қайтариш ва уларнинг сув билан босиладиган чегараларини, айланма каналлар ва вақтинчалик кўприкларни кўрсатган ҳолда суғориладиган ҳамда қуриладиган ҳудуднинг чегаралари ва майдонини кўрсатиш;

в) дарёдан окизиладиган сувни ўтказиш схемаларини, шунингдек қурилиш даврида дарё узанини тўсиш ва сув оқимини қайтариш усулларини ишлаб чиқиш;

г) сув чиқариш тизимларини қайта қуриш бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажаришда қишлоқ хўжалиги экинзорларининг узлуксиз суғорилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни кўзда тутиш лозим.

8. Фойдали қазилмаларни ва бошқа ер ости бойликларини қазиб олиш бўйича тоғ-кон корхоналари қурилишида мазкур илованинг 2 ва 3-бандларида келтирилган талабларга қўшимча тарзда қурилишни ташкил этиш лойиҳасида қуйидагилар қўшилади:

а) кон стволлари, горизонтал ҳамда қия ўтказмалар ва камераларни ўтказиш схемаларини (агар улар намунавий стволлар, ўтказмалар, камералардан фарқ қилса);

б) копёрлар ва ер ости қурилмаларининг турини танлашни асослаб берувчи маълумот (улардан тоғ-кон қазилма ишлари даврида вақтинчалик фойдаланилганда);

в) тоғ-кон ишларини қазилма давлари бўйича тоғ-кон қазилмаларининг схемаларини ва уларни шамоллатиш режимларини, қазилмага бериладиган ҳавони иситиш ва совутиш бўйича ечимларни, шунингдек чанг, газлар, тоғ жинслари, кўмир, газларнинг тўсатдан отилиб чиқилишига, тоғ силкиниши зарбалари ва тошларнинг ўпирилиб тушишига, суюқ грунт ва сувнинг ёриб ўтишига қарши чора-тадбирлар;

г) стволлар ва кон ковланмаларини ўтказишда сув қайтариш схемалари, шахта сувларини қайтариш ва тозалаш бўйича ечимлар.

9. Совуқ табиий шароитларда объектларни қуришда мазкур илованинг 2 ва 3-бандларида келтирилган талабларга қўшимча тарзда қурилишнинг тайёргарлик жараёнига, уни ташкил этиш ва амалга оширишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қуйидаги физик, географик ва иқтисодий омиллар ҳисобга олиниши керак:

а) тоғли ва баланд тоғли ҳудудлар (туманлар) учун:

қурувчилар ишлаши учун махсус адаптацияланган режимларнинг сақланишини талаб этувчи

пасайтирилган барометрик босим;

шиддатли шамолни ва юқори чакмоқ тарқалувчанлиги;

кўчкилар, сел оқимлари, ер ўпирилиши ва грунт кўчиши ходисалари;

худудга етиб бориш қийинлиги (катта қияликлар, сатҳларнинг кескин ўзгаришлари);

б) чўлли ва ярим чўлли (даштли) ва ўта иссиқ иқлимли туманлар учун:

ташқи ҳавонинг кундузги юқори температуралари;

катта худудларда маҳаллий сув таъминоти манбаларининг мавжуд эмаслиги ва шунга боғлиқ равишда сувни тозалаш, тузсизлантириш, ташиш, совутиш ва сақлаш бўйича махсус чора-тадбирлар;

турғунлиги паст бўлган қумли грунтлардаги ўсимлик қатламини сақлаш бўйича чора-тадбирлар.

10. Хавфли геологик жараёнлар кечадиган худудларда (туманларда) объектларни қуришда мазкур илованинг 2 ва 3-бандларида келтирилган талабларга қўшимча тарзда қурилишни ташкил этиш лойиҳасида қуйидаги талаблар ҳисобга олинishi лозим:

алоҳида хоссаларга эга бўлган (чўкувчан, кўпчийдиган) грунтли худудларда объектлар қурилишини амалга оширишда грунтларни кераксиз намланишини олдини олувчи сув оқимини айлантириб ўтказиш ишлари, вақтинчалик сув таъминоти тизимлари қурилиши ва эксплуатация қилинишини ташкил этиш ҳамда грунтларнинг чўкишини тизимли равишда назорат қилиш бўйича махсус чора-тадбирларни биринчи навбатда амалга ошириш.

11. Алоҳида табиий шароитларда объектларни қуришда қурилишни ташкил этиш лойиҳаси мазкур илованинг 2 ва 3-бандларида келтирилган талабларга қўшимча тарзда қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

а) ер кўчиши ва ўпирилишига қарши химоя иншоотлари учун:

қурилиш даврида ер кўчиши ва ўпирилиши жараёнлари фаоллиги ва жадаллиги прогнози;

химоя иншоотларини қуриш даврида қияликлар ва нишабликларнинг турғунлигини таъминлаш чора-тадбирлари;

ер ишларини йилнинг ёмғирли даврлари бошлангунга қадар тугатиш ёки вақтинчалик тўхтатиш зарурлигига боғлиқ ҳолда ҳамма ишларни бажаришнинг қатъий навбати ва муддатлари ҳисобга олинган тақвимий режаси;

ер кўчиши мумкин бўлган зонада грунт уюмларини қурилишига йўл қўймасдан грунтни жойлаштириш ва тўплаш бўйича ечимлар;

сувни айлантириб ўтиш, сув сатҳини пасайтириш ва грунтларни мустаҳкамлашнинг махсус усуллари бўйича ечимлар;

б) селга қарши иншоотлар учун:

зарур бўлган ҳолларда сув тошқинлари ва сел оқимларини қуриб битказилмаган иншоотлар орқали (уларнинг бутунлигини сақлаган ҳолда) ўтказиб юбориш бўйича ечимлар;

маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда алоҳида иш турларини бажаришнинг асосланган мавсумийлиги бўйича ечимлар;

изланиш натижалари бўйича сел ҳосил бўлишининг эҳтимолий муддатлари тўғрисидаги

кўрсатмаларни қурилиш календар режасида келтирилиши;

сел ҳосил бўлишини кузатиш хизмати пунктларини жойлаштириш ҳамда ушбу пунктлар ва қурилиш диспетчерлик пункти орасида ишончли радио алоқани таъминлаш бўйича материаллар;

ишлаб чиқариш базаси объектларини, яшаш посёлкасини ва кириб келиш йўлларини, шунингдек одамлар ва қурилиш техникасини эвакуация қилиш йўлларини хавфсиз зонага жойлаштириш бўйича материаллар;

сел ҳосил бўлиш хавфи бўлган даврда ишларни бажариш режимига қўйиладиган талаблар.

ШНҚ 3.01.01-22 “Қурилишда ишлаб
чиқаришни ташкил қилиш” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
3-ИЛОВА

**Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси таркибидаги асосий
лойиҳа ҳужжатларининг шакллари**

1-шакл

Қурилишнинг календарь режаси

(объект номи)

Т/р	Алоҳида бинолар, иншоотлар ёки иш турларининг номи	Смета нархи, минг сўм		Сарф-ҳаражатлар ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларини қурилиш даврлари (кварталлар, йиллар) бўйича тақсимлаш, минг сўм
		Барчаси	Шу жумладан қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми	
А	Б	1	2	3-14
1				
2				
3				

Изоҳ:

“Б” бўйича номенклатура қурилиш тури ва қурилишнинг ўзига хос жиҳатларига боғлиқ равишда ўрнатилади;

қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларининг тақсимланиши каср кўринишида берилади. Касрнинг суратида сарф-ҳаражатлар кўрсатилса, касрнинг маҳражида қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми кўрсатилади (турар жой-фуқаро объектлари учун ойлар бўйича келтирилади).

Лойиҳа бош муҳандиси _____

(имзо)

МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ:

Буюртмачи _____

(имзо)

Пудрат ташкилоти _____

(имзо)

2-шакл

**Асосий қурилиш, монтаж ва махсус қурилиш ишлари ҳажмларининг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ишларнинг тури	Ўл. бир.	Қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмлари		
			Жами	Шу жумладан, алоҳида бинолар, иншоотлар, ишга тушириладиган ёки шаҳарсозлик комплекслари бўйича	Қурилиш даврлари бўйича
А	Б	В	1	2	3-14
1					
2					
3					
4					

Изоҳ:

ишлар рўйхати қурилиш тури ва унинг ўзига хос жиҳатларига боғлиқ равишда белгиланади;
қурилишнинг комплект-блокли методи қўлланилиши ҳамда қурилиш конструкциялари ва
ускуналарининг йириклаштирилган блоklarда монтаж қилиниши ажратилиб кўрсатилади.

Лойиҳа бош муҳандиси _____

(имзо)

МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ:

Буюртмачи _____

(имзо)

Пудрат ташкилоти _____

(имзо)

3-шакл

**Қурилиш конструкциялари, материаллари ва ускуналарга бўлган эҳтиёжларнинг
РЕСУРСЛИ РЎЙХАТИ**

T/р	Номланиши	Ўл. бир.	Жами қурилиш бўйича	Шу жумладан асосий объектлар бўйича	Шу жумладан қурилишнинг календар давралари бўйича
A	B	B	1	2	3
1	Йиғма темир бетон конструкциялар	дона			
2	Пўлат конструкциялар	т			
3	Ёғоч конструкциялар	м ³			
4	Қолип жиҳозлари	м ²			
5	Қурилишда қўлланиладиган нефтли битумлар	т			
6	Стерженли пўлат арматура	т			
7	Конструкцион пўлат	т			
8	Оддий тунуксимон прокат пўлат	т			
9	Саноат учун металл буюмлар (метизалар)	т			
10	Рельслар	т			
11	Пўлат қувурлар				
12	Чўян қувурлар	м			
13	Босимли ва босимсиз қувурлар	м			
14	Канализация ва дренаж учун керамик қувурлар	м			
15	Асбест цементли қувурлар ва муфтлар	м			
16	Термопластли қувур ва қувур ўтказгич деталлари	м			
17	Шиша қувурлар ва уларнинг тугун қисмлари	Шартли диаметр, м			
18	Пластмассалар, полимеризацияланган смолалар асосидаги материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар	кг			
19	Лок-бўёқ материаллари	кг			
20	Ёғоч тайёрлаш ва ёғочни қайта ишлаш саноати маҳсулотлари (ғўла кўринишидаги ёғоч, кесилган ёғоч)	м ³			
21	Чақиқ тош	м ³			
22	Шағал	м ³			
23	Қурилиш учун табиий кум	м ³			
24	Ҳарсанг тош	м ³			
25	Ғовакли тўлдирувчилар	м ³			
26	Асбест	т			
27	Цемент	т			
28	Қурилиш оҳаги	т			
29	Қурилиш ғишти (шу жумладан тошлар)	дона			
30	Иссиқлик ва товуш изоляция материаллари	м ³			
31	Ўрамли, том ёпиш ва гидроизоляция материаллари	м ²			
32	Қурилиш шишаси	м ²			

33	Нархи қурилиш-монтаж ишларининг нархига киритиладиган ускуналар	минг сўм/т			
34	Кабель маҳсулотлари (асосий маркалар бўйича)	минг сўм			
35	Ўрнатиш симлари, ёритиш учун ишлатиладиган шнур, изоляцияланмаган сим	м			
36	Алюминий конструкциялар	т			
37	Герметиклар	кг			
38	Елим	кг			
39	Ускуналар ва назорат-ўлчов ускуналари (технологик, энергетик, кўтариш-транспорт, насос-компрессорли, умум завод, электр-техник, санитар-техник ускуналар, асосий номенклатура бўйича автоматлаштириш тизимлари)				

Изоҳлар:

конструкциялар, буюмлар, материаллар ва ускуналарнинг номенклатураси (мазкур илованинг Б устуни) қурилиш тури ва унинг ўзига хос жиҳатларига боғлиқ ҳолда объект қурилишига тузилган ресурсли сметага мувофиқ аниқланади;

материалларга бўлган эҳтиёж каср кўринишида кўрсатилади. Касрнинг суратида умумий эҳтиёж, махражида эса қурилиш саноати корхоналарида конструкциялар ва буюмларни тайёрлаш учун ишлатилган материалларни чиқариб ташлаган ҳолда материалларга бўлган эҳтиёж кўрсатилади;

ресурсларга бўлган эҳтиёжларни тақсимлашда ажратилиб ишга тушираладиган комплексларни ресурслар билан таъминлаш, шунингдек қурилишнинг кейинги даврлари учун зарур бўлган захира ҳажми кўзда тутилиши лозим.

Лойиҳа бош муҳандиси _____

(имзо)

МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ:

Буюртмачи _____

(имзо)

Пудрат ташкилоти _____

(имзо)

ШНҚ 3.01.01-22 “Қурилишда ишлаб
чиқаришни ташкил қилиш” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига

4-ИЛОВА

Ишларни бажариш лойиҳасининг таркиби ва мазмуни

1. Бинолар, иншоотлар ёки уларнинг қисмлари (тугунлари)ни қуриш бўйича ишларни бажариш лойиҳаси таркибига қуйидагилар киритилади:

а) қурилиш ишларини бажариш кетма-кетлиги, уларнинг ҳажмлари ва бажариш муддатларини белгилайдиган ишларни бажаришнинг мазкур ШНҚнинг 5-иловасидаги 1-шаклига мувофиқ календарь графиги;

б) қуйидагилар кўрсатилган қурилиш бош режаси:

қурилиш майдонининг чегаралари ва шу майдон тўсиқларининг турлари, ишлаб турган ва муваққат ер ости, ер усти ҳамда ҳаво орқали ўтувчи тармоқлар ва коммуникациялар, доимий ва муваққат йўллар, транспорт воситалари ва механизмларнинг ҳаракатланиш схемалари, қурилиш машиналари ва юк кўтарувчи машиналарнинг (уларнинг ҳаракатланиш йўллари ва таъсир қилиш зоналарини кўрсатган ҳолда) ўрнатилиш жойлари, доимий, қуриладиган ва муваққат бинолар, геодезик режалаш асосининг белгиларини ўрнатиш жойлари, хавфли зоналар, ишчиларни иш ярусларига (қаватларга) кўтариш воситалари ва йўллари, шунингдек бинолар ва иншоотларга ўтиш йўлаклари, ерга уланиш контурларини кўрсатган ҳолда қурилиш майдонларини электр энергияси билан таъминлаш ва ёритиш манбалари ҳамда воситаларининг жойлашиши, қурилиш чиқиндиларини тўплаш қурилмаларини ўрнатиш жойлари, материаллар ва конструкцияларни жойлаштириш майдончалари ва хоналари, конструкцияларни йириклаштириб йиғиш майдончалари, қурувчиларга санитар-маиший хизмат кўрсатиш хоналари, ичимлик суви ўрнатмалари ва дам олиш жойлари, хавфлилик даражаси юқори бўлган ишларни бажариш зоналарини жойлаштириш, шунингдек чўқувчан грунтларда сув тўплаш пунктлари, вақтинчалик иншоотлар ва намлик билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг механизациялашган ўрнатмаларини бино ва иншоотлардан релъефи паст бўлган томондаги жойларга эга бўлган қурилиш майдончасига жойлаштирилиши ҳамда улар атрофидаги майдонлар сувнинг ташкил этилган тез чиқарилишини кўзда тутган ҳолда текисланган бўлиши лозим;

в) қурилиш конструкциялари, буюмлари ва усқуналарни объектга етказиб бериш графиги мазкур ШНҚнинг 5-иловасидаги 2-шаклга мувофиқ;

г) сифатни назорат қилиш, ишларни бажариш методлари, меҳнат сарфи ва материаллар, машиналар, асбоб-анжомлар, ишчи-ходимларнинг ҳимоя мосламалари ва воситаларига бўлган эҳтиёжлар, шунингдек корхоналар, бинолар, иншоотларни реконструкция қилишда демонтаж ишларининг кетма-кетлиги кўрсатилган алоҳида иш турларини бажаришга тузилган технологик хариталар (схемалар) (тегишли намунавий ҳужжатдан фойдаланган ҳолда);

д) геодезик тузилмалар ва ўлчашларни бажариш учун белгиларни жойлаштириш схемаларини қиритган ҳолда геодезик ишларни бажариш бўйича ечимларни, шунингдек қурилиш-монтаж ишлари бажарилишининг зарур бўлган аниқлиги ва шу ишларни геодезик назорат қилишнинг техник

воситалари тўғрисидаги кўрсатмалар;

е) ШНҚ 3.01.02 да аниқланган хавфсизлик техникаси бўйича ечимлар ва объектларни тор шароитларда реконструкция қилишда махсус хавфсизлик чора-тадбирлари;

ж) иш графикларини, ишларни бажаришда технологик операцияларга риоя қилишда меҳнат ва дам олиш режимларини ўз ичига киритувчи ишларни 2 ва 3 сменали режимда ва вахтали метод билан бажариш бўйича тадбирлар;

з) зарур бўлганда таъминот манбаларидан тармоқларни олиб бориш бўйича ишчи чизмаларни ишлаб чиқиш билан сув, иссиқлик ва энергия таъминотининг вақтинчалик тармоқларини ўтказиш ҳамда қурилиш майдони ва иш жойларини ёритиш бўйича ечимлар;

и) технологик инвентар ва монтаж асбоб-анжомларининг рўйхати, шунингдек юкларни олиш ва кўтариш (строповкаш) схемалари;

к) қуйидагиларни ўз ичига олган тушунтириш хати:

ишларни бажариш, шу жумладан қиш мавсумида ва қуруқ-иссиқ иқлим шароитларида ишларни амалга ошириш бўйича ечимларнинг асосномасини;

энергетик ресурсларга бўлган эҳтиёж, уни таъминлаш ва қоплаш бўйича ечимларни;

эҳтиёжларни ҳисоблаш ва уларни қурилиш майдони участкаларига боғлаш шартларини асослаб бериш билан мобил (кўчма) бино ва иншоотлар ҳамда қурилмаларнинг тавсиявий рўйхатини;

қурилиш майдонидаги ҳамда бино ва иншоотлардаги материаллар, буюмлар, конструкциялар ва ускуналарнинг сақланишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни;

мавжуд (ишлаб турган) бинолар ва иншоотларни шикастланишлардан ҳимоя қилиш ва табиатни қўриқлаш бўйича чора-тадбирларни;

қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмларини ва уларни бажариш кетма-кетлигини, бинонинг 1m^3 ҳажмига ва 1m^2 юзасига тўғри келадиган меҳнат сарфи ҳамда механизация даражасини киритган ҳолда ишлар физик ҳажмларининг бирлиги учун ҳисобланган техник-иқтисодий кўрсаткичларни.

2. Алоҳида иш турлари (монтаж, санитар-техник, пардозлаш, геодезик ва шу каби ишлар)ни бажариш лойиҳаси қуйидагилардан иборат бўлади:

ишларни уларнинг турлари бўйича бажаришнинг календарь графигидан (мазкур ШНҚнинг 5-иловасидаги 1-шаклга мувофиқ);

мазкур илованинг 1-бандидаги “б” кичик банд кўрсатмаларига мувофиқ ишлаб чиқиладиган қурилиш бош режаси;

сифатни назорат қилиш схемаларини илова қилган ҳолда ишларни бажаришнинг технологик хариталари;

асосий материаллар, конструкциялар ва буюмлар ҳамда машиналар, мосламалар ва асбоб-ускуналарга бўлган эҳтиёжлар тўғрисидаги маълумотлар ва техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг зарурий асосномаларига эга бўлган тушунтириш матни.

ШНҚ 3.01.01-22 “Қурилишда ишлаб
чиқаришни ташкил қилиш” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
5-ИЛОВА

Ишларни бажариш лойиҳаси таркибидаги асосий ҳужжатларнинг шакллари

1-шакл

Объект (иш турлари) бўйича ишларни бажаришнинг календарь графиги

Номи	Иш ҳажмлари		Меҳнат сарфи, киши-кун	Талаб этиладиган машиналар		Иш давомийлиги, кунлар	Смена сони	Сменадаги ишчилар сони	Бригада таркиби	Ишлар графиги (кунлар, ойлар)
	Ўл. бир.	миқдори		Номи	Маш-смена сони					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Масъул ижрочи _____

2-шакл

Объектга қурилиш конструкциялари, буюмлари, материаллари ва ускуналарни етказиб бериш графиги

Қурилиш конструкциялари, буюмлари, материаллари ва ускуналарнинг номи	Ўлчам бирлиги	Миқдори	Кунлар, ҳафталар, ойлар бўйича етказиб бериш графиги
1	2	3	4

Масъул ижрочи _____

(имзо)

ШНҚ 3.01.01-22 “Қурилишда ишлаб
чиқаришни ташкил қилиш” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
6-ИЛОВА

Ёпиқ ишлар далолатномаси

_____ да
(объект номи ва жойлашиш ўрни)

бажарилган _____
(ишлар номи)

« _____ » _____ 20 ____ й.

Ишчи гуруҳ таркиби:

Қурилиш-монтаж ташкилотининг вакили _____

(Ф.И.О. лавозими)

Буюртмачининг вакили _____

(Ф.И.О. лавозими)

Лойиҳа ташкилотининг вакили _____

(Ф.И.О. лавозими)

(қурилиш-монтаж ташкилотининг номи)

томонидан бажарилган қуйидаги: _____ ишлар бўйича кўрик
ўтказди ва қуйидагилар тўғрисида ушбу далолатномани тузди:

1. Аниқлик киритишга қуйидаги ишлар тақдим этилган

(ёпиқ ишларнинг номи)

2. Ишлар қуйидаги лойиҳа бўйича бажарилган _____

(лойиҳалаш ташкилотининг номи, чизмалар рақами ва санаси)

3. Ишларни бажаришда қўлланилди _____

(сертификатлар ёки сифатни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар илова қилинган)

холда материаллар, конструкциялар, буюмларнинг номлари)

4. Ишларни бажаришда лойиҳа ҳужжатидан четга чиқишга йўл қўйилмаган (ёки йўл қўйилган)

(чизмаларнинг номери ва санаси)

5. Ишларнинг бошланиш санаси _____

Ишларнинг тугаш санаси _____

Хулоса

Юқорида таъкидланганларга асосан қуйидаги ишларни бажариш мумкин:

(ишлар ва конструкцияларнинг номлари)

Қурилиш-монтаж ташкилоти вакили _____

(имзо)

Буюртмачининг вакили _____

(имзо)

Лойиҳа ташкилотининг вакили _____

(имзо)

ШНҚ 3.01.01-22 “Қурилишда ишлаб
чиқаришни ташкил қилиш” шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
7-ИЛОВА

Муҳимлик даражаси юқори бўлган конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномаси

(объектнинг манзили ва номи)

да бажарилган _____

(конструкциялар номи)

“ _____ ” _____ 20__ й

(қабул қилиш санаси)

Ишчи гуруҳ таркиби:

Қурилиш-монтаж ташкилотининг вакили _____

(Ф.И.О., лавозими)

Буюртмачининг вакили _____

(Ф.И.О., лавозими)

Лойиҳа ташкилотининг вакили _____

(Ф.И.О., лавозими)

(қурилиш-монтаж ташкилотининг номи)

томонидан бажарилган қуйидаги: _____ ишлар бўйича кўрик
ўтказди ва қуйидагилар тўғрисида ушбу далолатномани тузди:

1. Аниқлик киритишга қуйидаги ишлар тақдим этилган

(ёпиқ ишларнинг номи)

2. Ишлар қуйидаги лойиҳа бўйича бажарилган _____

(лойиҳалаш ташкилотининг номи, чизмалар рақами ва санаси)

3. Ишларни бажаришда қўлланилди _____

4. Ишларни бажаришда лойиҳа ҳужжатидан четга чиқишга йўл қўйилмаган (ёки йўл қўйилган)

(чизмаларнинг номери ва санаси)

5. Ишларнинг бошланиш санаси _____

Ишларнинг тугаш санаси _____

Хулоса

Юқорида таъкидланганларга асосан қуйидаги ишларни бажариш мумкин:

(ишлар ва конструкцияларнинг номлари)

Қурилиш-монтаж ташкилоти вакили _____

(имзо)

Буюртмачининг вакили _____

(имзо)

Лойиҳа ташкилотининг вакили _____